

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман суди очик сайёр суд мажлиси Ғаллаорол туман ДСИ биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг судьяси Н.Райимов, судья ёрдамчиси Х.Абдуваҳобовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ғаллаорол туман прокурорининг ёрдамчиси П.Азимов, жабрланувчининг қонуний вакили М.Эгамбердиева, судланувчи М.Муратов ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Жўраевнинг иштирокида, Муратов Мирзакаримга нисбатан 1-1304-2401/70-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Муратов Мирзакарим, 1950 йил 25 февраль куни Бахмал туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, тўрт нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, нафақахўр, Бахмал туман тиббиёт бирлашмасида шифокор, Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Новқа ҚФЙ, Оқтош қишлоғида яшайди, 2024 йил 27 июль куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 9 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Муратов, 2024 йил 27 июнь куни соат 20:00 ларда бошқарувида бўлган “Каптивa” русумли, 25 P 477 LA давлат рақамли автомашинани Бахмал туман ҳудудидан ўтувчи 4P-41 “Ғаллаорол-Ўсма-Бахмал” йўлининг 28 км.да “Ўсма-Ғаллаорол” йўналишида бошқариб кетаётган вақтида йўлни кесиб ўтаётган Эгамбердиев Шукурулло Эргашовични уриб юбориб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми “ҳаракатланиш вақтида хайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги” тўғрисидаги талабларни қўпол равишда бузиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилган.

Натижада, пиёда Эгамбердиев Шукурулло Эргашович тан жароҳатлари олиб воқеа жойида вафот этган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 10.07.2024 йил кунги 24-сонли хулосасига кўра, марҳум Ш.Эгамбердиевнинг ўлимига: “қўш жароҳатлар, калла мия ва орқа мия ёпиқ жароҳати, бош мия пардалари остига ва мия



тўқимасига кўламдор қон қуйилиши, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғининг ёпиқ жароҳати, ўнг ва чап томон кўплаб қовирғаларнинг синиши, ички аъзоларнинг шикастланиши, биринчи энса умиртқасининг энса суягидан майдаланиб синиши, орқа миянинг тўлиқ узилиши оқибатида бош мияда жойлашган ҳаёт учун муҳим бўлган марказларнинг фалажланишига олиб келган ва ўлим содир бўлганлиги, суд кимёвий текшируви хулосасидан маълум бўлишича Ш.Эгамбердиев оғир мастлик ҳолати деб баҳоланиши, жароҳатнинг оғирлиги ҳаёт учун хавfli бўлган тан жароҳати деб баҳоланиши, тан жароҳатининг олиниш муддати 27.06.2024 йилга тўғри келиши кўрсатилган.

Судланувчи М.Муратов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 27 июнь куни эрталаб соат 07-30 ларда ишга бориб, соат 19-40 ларда уйига қайтганлиги, сўнгра овқатланиб, иш хонасида навбатчи бўлганлиги сабабли ишга қайтиб бориши учун йўлга чиққанлиги, Бахмал туман ҳудудидан ўтувчи 4Р-41 “Ғаллаорол-Ўснат-Бахмал” йўлининг 28 км.да “Ўснат-Ғаллаорол” йўналишида бошқарувидаги “Каптивa” русумли, 25 Р 477 LA давлат рақамли автомашинани 35-40 км.с тезликда бошқариб келаётганида, Ўснат шаҳарчасидаги деҳқон бозоридаги йўловчилар ўтиш жойидан ўтганидан кейин, автомашинанинг олд ўнг томонига бир одам келиб урилганлиги, автомашинани тўхтатиб, тушганида ҳушсиз ҳолатда ётганлигини кўрганлиги, унинг турмуш ўртоғи йўлнинг нарги томонидан югуриб келганлиги, биргаликда машинага ортиб, шифохонага олиб борганлиги, шифохонага олиб борганида жони узилган бўлганлиги, марҳум йўлнинг қайси томонидан ҳаракатланиб чиққанини кўрмаганлиги, машинага урилган вақтида кўрганлиги, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдириб, улардан кечирим сўраб, дафн маросимларига кетадиган сарф ҳаражатларини қоплаб берганлигини, қилмишидан пушаймонманлигини, пенсионерлигини инобатга олиб, қонун доирасида енгиллик қилиб, ёрдам беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили М.Эгамбердиева, марҳум Ш.Эгамбердиев унинг турмуш ўртоғи бўлишини, 2024 йил 27 июнь куни турмуш ўртоғи Ш.Эгамбердиев билан бирга тўйдан қайтиб, соат 20-00 ларда Ўснат шаҳарчасидаги “Ўснат деҳқон” бозори олдида келганликлари, турмуш ўртоғи тарвуз билан тухум олайлик деганлиги ва дўконга кириб тухум олишини айтиб, ўзи тарвуз олиш учун йўлнинг нарги томонига кетганлиги, дўконга кирмоқчи бўлиб, зинадан чиқиши билан нимадир тақиллаганлиги ва автомашина одам уриб юборганини билганлиги, турмуш ўртоғини уриб юбордими деб шошиб қолганлиги ва ўша жойга борганида турмуш ўртоғи ерда ҳушсиз ҳолатда ётганлигини кўрганлиги, Мирзакарим врач машинасига ортиб шифохонага олиб борганликлари, турмуш ўртоғи вафот этган бўлганлиги, М.Муратов ўзидан ва оила аъзоларидан қилган ишидан пушаймонлик билдириб, кечирим сўраб, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаб берганлигини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва унга қонун доирасида ёрдам



бериб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи М.Муратовнинг кўрсатувини тинглаб, унинг айби ўзининг қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувлари, жиноят ишида мавжуд бўлган ва ўтказилган терговолди суриштирув даврида тўпланган ҳужжатлар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова чизма ҳамда фотосуратлар, тушунтириш хатлари, суд-тиббий экспертизаси хулосаси, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Муратовнинг жиноий ҳаракатининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситаси ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, одам ўлишига сабаб бўлишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 25-бандида, “Судлар йўл транспорти ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” – деб;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” – деб, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг



шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб, 37-бандида эса “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” – деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 10-қисмида Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридагиларга асосан судланувчи М.Муратовга нисбатан жазо чораси тури ва миқдорини тайинлашда, ЖК 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, пенсионер эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг оила-аъзоларидан кечирим сўраб, уларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, шунингдек, судланувчи М.Муратовнинг хулқи юзасидан салбий маълумотлар йўқлигини ҳамда уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш мумкинлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, ЖК 266-моддасининг 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо яъни, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги “Пробация тўғрисида”ги Қонунининг 71-моддасига кўра ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисмига ўзгартириш киритилиб “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат”лиги кўрсатилиб, мазкур қонун билан озодликни чеклаш жазосини ўташ тайинрилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 13-моддасига кўра, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмаслиги кўрсатилган.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, ЖК 13-моддаси талабидан келиб чиқиб, судланувчи М.Муратов томонидан содир этилган жиноят 2024 йил 27 июнь куни содир этилганлиги сабабли, ушбу жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ЖК 48<sup>1</sup>-моддасига кўра сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи М.Муратовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни ва гаровга қўйилган М.Муратовга тегишли 7.000.000 сўмлик бир бош йирик шоҳли қора молни ўзига тилхат орқали сақлаб туриш учун топширилганлиги инобатга олишни;

жабрланувчига жиноят натижасида етказилган бошқа зарарлар бўлса, уларни ундириш масаласида тегишлича ҳужжатлар тўплаб, келгусида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 463, 465 468, 471 ва 473-моддаларига асосан, суд ҳукм қилади:

### Ҳ У К М:

Судланувчи Муротов Мирзакарим Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Муротов Мирзакаримга ЖК 266-моддаси 2-қисми билан, ЖК 57-моддасини қўллаб, ЖК 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 (уч) йил муддатга сутканинг соат 22<sup>00</sup> дан 06<sup>00</sup> гача бўлган даврида доимий яшаш жойи, яъни Бахмал тумани, Новқа ҚФЙ, Оқтош қишлоғида жойлашган уйдан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Муратовга озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар:

-Бахма туман ИИБ Пробация бўлинмасининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Жиззах вилояти маъмурий ҳудудидан ташқарига чиқмаслик юклатилсин.

Тайинланган озодликни чеклаш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларининг ижроси Бахма туман ИИБ Пробация бўлинмаси томонидан амалга оширилсин.



Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати ҳукм Бахмал туман ИИБ Пробация бўлинмасида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи М.Муратовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган М.Муратовга тегишли 7.000.000 сўмлик бир бош йирик шоҳли қора мол ўзига қайтарилсин ва тилхат орқали сақлаб туриш учун топширилганлиги инобатга олинсин.

Жиноят натижасида жабрланувчига етказилган моддий зарарлар қопланганлиги ҳамда жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчига жиноят натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар масаласида тегишлича ҳужжатлар тўплаб, фуқаролик ишлари бўйича судга даъво қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Жиззах вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Н.Райимов**

